160395

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 11 март, шанба №31 (21.794.) Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 9 март куни Чехия Республикаси ташқи ишлар вазири Йозеф Желенецни қабул қилди.

Ислом Каримов Ўзбекистон билан Чехия Республикаси ўртасидаги муносабатлар ривожланиш босқичига кирганини мамнуният билан таъкидлар экан, иқтисодий ва маданий алоқаларнинг кенгайиши халқларимизнинг азалий дўстлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлашини таъкидлади.

Чехия ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари самимий қабул учун Президент Ислом Каримовга миннатдорлик билдирди. Ташриф чоғида Ўзбекистон заминида ўтган музокаралар, учрашувлар ғоят самарали бўлганини айтди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ў. Султонов, ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

Учрашувда Чехия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Р. Слански ҳозир бўлди.

***

Шу куни Чехия Республикаси ташқи ишлар вазири Й. Желенец Ўзбекистон Ташқи ишлар ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирликларига ҳам ташриф буюрди.



9 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Америка Қўшма Штатларининг Тошкентдаги элчихонаси миссияси раҳбарининг ўринбосари Шерон Уайтни қабул қилди.

Ислом Каримов меҳмонга Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз бераётган туб ўзгаришлар, жумладан, мамлакатимизнинг янги парламенти — Олий Мажлиснинг биринчи сессияси натижалари ҳақида сўзлаб берди.

Шерон Уайт хоним самимий қабул учун миннатдорлик изҳор этди. У Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларга АҚШ маъмурияти алоҳида қизиқиш билан қараётганини айтди.

Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

(ЎзА).

СУРАТЛАРДА: қабул маросимларидан лавҳалар.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ тасвирлари.

ЎЗБЕКИСТОН ЯНГИ АСР БОШИДА



Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясидаги маърузасида истиқболимизнинг асосий тамойиллари аниқ ифодасини топди. Унда белгилаб берилган кенг кўламли вазифалар, ҳеч истисносиз, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларига тааллуқлидир.

«Ўзбекистон овози» газетаси ушбу маърузада тилга олинган масалалар жойларда қандай ечимини топаётганини мунтазам ёритиб боришга қарор қилди. Бугун газетамизнинг 2- ва 3-саҳифаларидаги материаллар ана шу мавзуга бағишланган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ АГРОКИМЁ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқ хўжалигининг агрокимё хизматини такомиллаштириш, минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқаларни ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон «Ўзагрокимёсервис» уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги «Ўзагрокимёсервис» давлат-акционерлик уюшмасига айлантирилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзагрокимёсервис» уюшмаси:

Юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган республика тижорат-воситачилик хўжалик уюшмаси ҳисобланади;

ҳудудий акционерлик бирлашмалари томонидан мулкчилик шакллари ва идоравий бўйсунишидан қатъи назар корхоналар ва ташкилотлар иштирокида ташкил этилади;

молиявий-иқтисодий ва хўжалик фаолияти масалаларини мустақил ҳал этади, марказлаштирилган суғурта, захира ва бошқа жамғармалар ташкил этади.

«Ўзагрокимёсервис» давлат-акционерлик уюшмасининг таркибига розилик берилсин.

3. Белгилансинки, «Ўзагрокимёсервис» уюшмасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборатдир:

хўжаликларга шартнома асосида минерал ўғитлар ва бошқа кимёвий воситалар сотиш;

«Ўзкимёсаноат» уюшмаси корхоналари ва бошқа маҳсулот етказиб берувчилар билан тўғридан-тўғри ўзаро фойдали хўжалик алоқалари ўрнатиш;

республиканинг барча ердан фойдаланувчиларига ўсимликларни биологик ва кимёвий ҳимоя қилиш хизматлари, агрокимё хизмати кўрсатиш;

хўжаликларда тупроқнинг агрокимё тадқиқотларини ўтказиш, озуқа ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини текшириш;

юқори самарали техника ва технологияларни комплекс ўзлаштириш, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда;

уюшма доирасида ягона услубий ва илмий-техника ишларини олиб бориш.

4. «Ўзагрокимёсервис» уюшмасининг ходимларининг чекланган сони 32 нафардан иборат бўлган (хизмат кўрсатувчи ходимларсиз) ижро этувчи аппарати тузилмаси тавсия қилинсин.

Уюшмага раиснинг икки нафар ўринбосари, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари бўлишига рухсат берилсин.

Уюшма раиси лавозими бўйича қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари ҳисобланади.

5. Белгилаб қўйилсинки, ҳудудий акционерлик бирлашмалари:

ўз фаолиятида тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига ва вилоятлар ҳокимликларига ҳисоб беради ҳамда «Ўзагрокимёсервис» уюшмаси таркибига унинг муассислари ҳуқуқи билан киради;

мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар ва ташкилотларни ихтиёрийлик асосида бирлаштиради, ўзларига берилган функциялар бажарилиши учун ўз муассислари олдида жавоб беради;

«Ўзагрокимёсервис» республика уюшмаси таркибига юридик шахс ҳуқуқи билан кирган ҳолда ўз фаолиятини ҳудудий бирлашма қатнашчиларининг умумий йиғилишида қабул қилинган ҳудудий бирлашма уставига мувофиқ амалга оширади;

ҳудудий акционерлик бирлашмаларининг раислари муассислар йиғилиши томонидан тайинланади ва «Ўагрокимёсервис» республика уюшмаси бошқаруви томонидан тасдиқланади.

Ҳудудий акционерлик бирлашмасининг намунавий тузилмаси тасдиқлансин.

6. Давлат мулки қўмитаси «Ўзагрокимёсервис» уюшмаси билан биргаликда:

1995 йилда уюшманинг туман бирлашмаларини очиқ турдаги акционерлик жамиятларига айлантиришни тугалласин;

уюшманинг фирма дўконларини улар жойлашган ер майдонлари билан биргаликда хусусий мулк қилиб сотсин, бунда акционерлик жамияти ходимларига устунлик ҳуқуқи берилсин;

Хусусийлаштиришдан тушган маблағларни ўз оборот маблағларини қўпайтиришга, «Ўзагрокимёсервис» уюшмаси корхоналари ва ташкилотларини ривожлантириш учун марказлаштирилган жамғарма ташкил этишга йўналтирсин;

давлатга тегишли акциялар пакетига мувофиқ акционерлик жамиятлари фаолиятини бошқариш ҳуқуқини шартнома асосида «Ўзагрокимёсервис» уюшмасига берсин;

давлатга тегишли акциялар бўйича дивидендларнинг бир қисмини шартнома асосида «Ўзагрокимёсервис» уюшмасига берсин;

акцияларнинг эркин сотиладиган қисмини устун даражада қишлоқ хўжалиги корхоналарига, деҳқон (фермер) хўжаликларига сотсин.

7. «Ўзагрокимёсервис» уюшмаси деҳқон (фермер) хўжаликларига ва шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгаларига кимёвий маҳсулотлар сотиш бўйича савдо объектлари тармоғини кенгайтирсин.

8. «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси ва «Ўзагрокимёсервис» уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига минерал ўғитлар ва бошқа кимёвий маҳсулотларни сақлаш ва сотиш базаларини ҳудудий жойлаштиришни такомиллаштиришга оид таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил, 10 март.

ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КЕНГАШИ ПЛЕНУМЛАРИ

УРГАНЧ. Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгашининг пленуми бўлди. Унда Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг Республика Олий Мажлиси биринчи сессиясидаги маърузаси ва Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XIV пленуми қарорларидан вилоят партия ташкилотларининг келиб чиқадиган вазифалари ҳамда 1995 йил 26 март куни республика референдуми ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон ХДП ташкилотлари вазифалари тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди. Улар юзасидан ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Ғ. Машарипов маъруза қилди. Муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Пленум ишида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби Ҳабибулла Авезов қатнашди ва сўзга чиқди.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО, «Ўзбекистон овози» мухбири.

***

ҚАРШИ. Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши пленуми бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясидаги маърузаси ҳамда шу йил 26 март куни республикамизда референдум ўтказилиши муносабати билан вилоят партия ташкилотларининг вазифалари хусусида Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши биринчи котиби Ф. Омоновнинг маърузаси тингланди.

Пленумда, шунингдек, ташкилий масала кўрилди. Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаб келаётган П. Бердиев Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг иккинчи котиби этиб сайланди.

Пленумда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Илҳом КАРОМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

***

ТОШКЕНТ. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Олий Мажлис биринчи сессиясидаги маърузасидан ҳамда партиямиз Марказий Кенгаши XIVпленуми қарорларидан партия ташкилотларининг келиб чиқадиган вазифалари Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашининг навбатдаги пленумида муҳокама этилди. Бу ҳақда вилоят партия кенгаши биринчи котиби Ў. Турғуновнинг маърузаси тингланди.

Анжуман қатнашчилари Президент ваколатлари муддатини узайтириш бўйича умумхалқ референдуми ўтказиш ҳақидаги сессия қарорини якдиллик билан қўллаб-қувватлаб, шу муносабат билан вилоят партия ташкилотлари амалга оширадиган тадбирларни белгиладилар.

***

ГУЛИСТОН. Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Республика Олий Мажлиси биринчи сессиясидаги маърузаси ва Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XIV пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вилоят партия ташкилотларининг вазифалари ҳақидаги масала юзасидан вилоят кенгашининг биринчи котиби Т. Исмоилов маъруза қилди.

Шунингдек, пленумда 1995 йил 26 март куни ўтказиладиган умумхалқ референдуми муносабати билан вилоят партия ташкилотлари амалга оширадиган ишлар атрофлича муҳокама этилди.

Бўлиб ўтган пленумда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Абдужалил УМАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

***

ТЕРМИЗ. Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Вилоят кенгашининг биринчи котиби Ҳ. Эрматов Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг Республика Олий Мажлиси биринчи сессиясидаги маърузасидан ва 1995 йил 26 март куни Ўзбекистон Республикаси референдуми ўтказилиши муносабати билан ҳамда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XIV пленумидан келиб чиқадиган партия ташкилотларининг вазифалари ҳақида маъруза қилди.

Олимжон УСАНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

***

БУХОРО. Бу ерда Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. У вилоят партия ташкилотларининг Президент И. А. Каримов Олий Мажлис биринчи сессиясида қилган маърузадан ҳамда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XIV пленуми шу масала бўйича қабул қилган қароридан келиб чиқувчи вазифаларини муҳокама этди. Вилоят кенгаши биринчи котиби Ж. Нуруллаев шу тўғрида маъруза қилди.

Пленум Олий Мажлиснинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатлари муддатини 2000 йилгача узайтириш юзасидан шу йил 26 мартда референдум ўтказиш ҳақидаги қарорини бир овоздан маъқуллади ва шу муносабат билан вилоят партия ташкилотлари олдидаги долзарб вазифаларни белгилаб берди.

Пленумда партия ички ҳаётига оид бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ХДП МК Матбуот маркази.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

А. АҲАДОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик фидокорона меҳнати, республика иқтисодиёти тараққиёти йўлидаги хизматлари ва ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун Ўзбекистон Республикаси акционерлик-тижорат деҳқончилик саноати банки бошқаруви раиси Абдурафиқ Аҳадов Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил, 10 март.

ЭКОЛОГИЯГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкентда атроф-муҳитни ҳимоя қилишга бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. Ушбу анжуман Орол ва Орол бўйини ҳимоя қилиш жамоатчилик қўмитаси ҳамда халқаро «Конрад Аденауэр» жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилди. Халқаро йиғин ишида Марказий Осиё давлатлари ҳамда кўпгина хорижий юртларнинг вакиллари иштирок этдилар.

Улар орасида таниқли эколог олимлар, сув хўжалиги ходимлари, иқтисодчилар, адабиёт ва санъат арбоблари, шунингдек, мусулмон, православ, рим-католик диний идоралар раҳбарлари ҳам бор.

Уч кун давом этган ушбу нуфузли йиғинда Марказий Осиё давлатлари экологиясининг долзарб масалалари ҳисобланган заҳарли дориларни сақлаш, тарихий ёдгорликларни асраб-авайлаш, тоғлар, ерости сувлари, тоза ичимлик суви, заҳарли тузлар аралаш ёмғирлар ва Оролни ҳимоя қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Унда Марказий Осиё мамлакатлари экология ва атроф - муҳитни муҳофаза қилиш муаммолари бўйича халқаро жамоатчилик қўмитаси ташкил қилинди. Қўмита раиси қилиб профессор Пирмат Шермуҳамедов сайланди. Мазкур анжуман ишида дин арбоблари ва ишбилармонларнинг ҳам иштирок этиши ягона мақсад йўлида ҳамфикрликнинг ёрқин намойишига айланди.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

НУКУС. Бу ерда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Олий Мажлис биринчи сессиясидаги маърузасидан ва Олий Мажлиснинг Президент ваколатлари муддатини узайтириш бўйича умумхалқ референдуми ўтказиш тўғрисидаги қароридан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама қилинди. Бу ҳақда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши биринчи котиби А. Асанов маъруза қилди.

Пленум ишида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси ўринбосари Р. Йўлдошев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари Ж. Суюнов иштирок этдилар.

Пленумда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

***

Кеча Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгашининг IX пленуми бўлди.

Пленум қатнашчилари пойтахт партия ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Олий Мажлис биринчи сессиясида қилган маърузасидаги қоида ва хулосалардан, шунингдек, сессиянинг Президент ваколатлари муддатини узайтириш бўйича шу йил 26 мартда умумхалқ референдумини ўтказиш ҳақидаги қароридан келиб чиқадиган вазифаларини муҳокама қилдилар.

Бу ҳақда Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши биринчи котиби Л. Ғуломов маъруза қилди.

Пленумда шаҳар партия ташкилоти фаолиятига оид бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул этилди.

Пленум ишида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси аъзоси, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари Ш. Шоисломов иштирок этди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

БАРҚАРОРЛИК ФАРОВОНЛИК ГАРОВИ

— Республикамиз янги парламентининг биринчи сессияси жамиятимиз тараққиёти истиқболини белгилаб берди. — Парламент депутати, Наманган вилоятидаги Норин тумани ҳокими Ҳусанбой Ғойиббоев сайловчилар билан учрашувда республика Олий Мажлиси биринчи сессияси иши тўғрисидаги таассуротларини қисқача ана шундай баён қилди. Учрашув Норин пахта тозалаш заводида бўлиб ўтди. Туман ҳокими Тошкентдан қайтиб келганидан сўнг ўнга яқин ана шундай учрашувлар ўтказди.

Биринчи марта депутатлар сайлови кўппартиялилик асосида ўтди, деди нотиқ. Олий Мажлис иши ҳам кўппартиялиликка асосланган бўлиб, республикада ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш юзасидан қабул қилинадиган қарорларнинг пухта ва асосли бўлишига олиб келади.

Депутат Ҳ. Ғойиббоев Президент ваколатлари муддатини 2000 йилгача узайтириш тўғрисидаги масалага батафсил тўхталиб, ҳозирги пайтда аҳоли Ислом Каримовнинг ички ва ташқи сиёсатини тўла қўллаб-қувватлаётганини алоҳида қайд этди.

Учрашув иштирокчилари Олий Мажлиснинг 26 март куни умумхалқ референдуми ўтказиш ҳақидаги қарорини қўллаб-қувватлади. Президент ваколатлари муддатини узайтириш парламентнинг уйғун, барқарор ишлашига кўмаклашибгина қолмай, республика аҳолисининг тинчлиги ва фаровонлигини таъминлашга ҳам хизмат қилиши таъкидланди.

Н. ХЎЖАЕВА, ЎзА мухбири.

ИНСОНГА МЕҲР-ШАФҚАТ

Республика «Навруз» хайрия жамғармаси Раёсатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят бўлимларининг раҳбарлари иштирок этишди. Йиғилишда яқинлашиб келаётган «Навруз» умумхалқ байрамига тараддуд, уни ташкилий ўтказиш юзасидан кенг тадбирлар белгиланди.

Навруз байрамини ўтказишдаги асосий шиор: қадимий анъаналарга содиқлик, инсондаги олийжаноб фазилатлар, энг яхши одоб-ахлоқ қоидаларини камол топтириш, уруш ва меҳнат фахрийларига, кўп болали оилаларга, бева-бечораларга иззат-икром, моддий-маънавий ёрдам беришдир.

«Навруз»нинг ана шу инсоний қоидалари асосида байрамни ибратли ўтказадиган вилоятларга алоҳида мукофотлар таъсис этилди.

Раёсат йиғилиши Ўзбекистон Олий Мажлисининг Республикамиз Президенти ваколатини 2000 йилга қадар узайтириш тўғрисида референдум ўтказиш ҳақидаги қарорини тўла маъқуллади ва қўллаб-қувватлади.

О. КОМИЛОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ЯНГИ

· Давлат қурилиши

«Биз шунчаки демократик жамият эмас, демократик одил жамият қурмоқчимиз».

ДЕМОКРАТИЯ ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ДЕМАКДИР

Машҳур тележурналист ва демократ Владислав Листьев отиб ўлдирилди. Бу фожиа собиқ Иттифоқ ҳудудида ўзини энг демократик мамлакат деб кўрсатаётган Русиянинг қоқ марказида содир бўлди. Бундай даҳшат бу ўлкада биринчи марта бўлаётгани йўқ.

Президент Борис Ельцин Русия мамлакатини, айниқса унинг пойтахти Москвани жиноятчилик бутунлай ўз домига тортганлигига, у раҳбарлик қилаётган давлат бу офатга қарши курашда ожиз қолаётганига иқрор бўлди. У марҳум журналистнинг ҳамкасблари билан учрашувда Ўзбекистонда жиноятчиликка қақшатқич зарба берилаётганлигини тан олди. Нафақат Б. Ельцин, балки дунё давлатларининг барча бошлиқлари Узбекистонда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш маълум дастур асосида қаттиқ туриб амалга оширилаётганлигини эътироф этмоқдалар.

Ҳозирги барқарорлик, тинчлик ва осойишталикка осонлик билан эришилгани йўқ. Республика раҳбарияти Президентлик бошқарувидаги демократик давлат қуриш асосини жамиятда юқори ҳуқуқий онг ва қонунчилик ўрнатишда эканлигини олдиндан кўра билди. Чунки ҳақиқий демократия ўрнатмоқчи ва ҳуқуқий давлат қурмоқчи бўлган жамиятда фақат қонун устивор бўлиши керак.

Президентимиз биринчи чақириқ Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида қилган маърузасининг асосий мезонини демократик ҳуқуқий давлат қуришга, унинг сиёсий ва иқтисодий негизини белгилашга қаратди. Унда инсон ҳуқуқларини улуғловчи, фуқаро манфаатларини ифодаловчи демократик одил жамият қуришга мўлжалланган «Узбекистон янги аср бошида» деган кенг қамровли ривожланиш дастурини ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш зарурлиги уқтирилди.

Ҳақиқий демократияга эришиш, биринчи навбатда, ҳуқуқий давлат қуриш демакдир. Демократия ва ҳуқуқий давлат ажралмас ва тараққиётнинг бугунги босқичидаги жамият ва давлат қурилишидаги энг олий тушунчалардир. Биз қураётган ҳуқуқий давлатнинг кучи ҳам, қуроли ҳам, юртбошимиз айтганидек, фақат қонун бўлиши керак.

Узбекистоннинг буюк келажагини фақат тўла маънодаги ҳуқуқий давлатгина таъминлай олади.

Обиддин АЛИБОЕВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси ҳайъати аъзоси, аллия катта маслаҳатчиси.

ШУНДАЙ ПАРЛАМЕНТИМИЗ БОР!

Аввало кўппартиялилик асосида Олий Мажлисга сайловлар ўтказилгани ва ҳар бир партиядан сайланган депутатлар парламентнинг тенг ҳуқуқли аъзолари бўлиб хизмат қилишларини айтиб ўтиш жоиз. Шу билан бирга Олий Мажлиснинг қўмиталари ҳозирги давр шароити ва талабларига монанд ташкил қилинди. Ушбу қўмиталарни аввалги Олий Кенгаш қўмиталари ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи республикалар парламентининг таркибий қисмлари билан солиштирилса, уларнинг номланиши ва фаолият кўрсатишда айнан ўхшамаслиги Ўзбекистон давлатининг миллий ўз парламенти ташкил этилганидан далолат беради.

Ўзбекистон Олий Мажлиси таркибида партия фракцияларининг тузилиши ҳар бир фракциянинг республиканинг ижтимоий муносабатларига доир қонунлар қабул қилинишида ўз фикр ва ғояларини баён қилишлари янги парламентнинг қиёфасини яққол тасвирлаб беради. Бу билан сиёсий партиялардан ва бошқа ташкилотлардан ташкил топган фракциялар давлатнинг равнақ топишида, халқнинг турмуш даражасини ошириш борасида сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ўз ҳиссаларини қўшиб, мамлакатни ғоявий ривожлантиришда маҳоратларини кўрсатадилар.

Янги парламентнинг халқаро андозаларга мос равишда ташкил топиш омилларидан бири, Ўзбекистон Президентининг таклифига кўра Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини сайлашдир. Бу Ўзбекистон давлати қабул қилинган халқаро декларация ва ҳуқуқий меъёрларга риоя қилиш билан бир қаторда «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» талабларини тўла бажараётганидан далолат беради.

Эминжон ЭГАМБЕРДИЕВ,
юридик фанлари номзоди, доцент.

РЕФЕРЕНДУМ — ЗАРУРАТ

Президент ваколатларини узайтириш тўғрисида референдум ўтказиш нима сабабдан зарур бўлиб қолди? Бунинг учун мамлакатимиздаги ҳозирги шарт-шароит шуни тақозо қилганлигини назарда тутиш лозим. Президентлик давлат бошқаруви жорий қилинди ва у ўзини оқлади. Мустақил ёш давлатни оёққа турғизиш, равнақ топтириш, иқтисодий ислоҳотларни олиб бориш, мамлакат аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш, халқаро миқёсда ўз ўрнига эга бўлиш, янги жамият қуриш албатта, қисқа муддатда рўёбга чиқмайди. Лекин, мазкур ишлар ҳозирги кунда бирин-кетин ижобий натижалар бераётганлиги қувончлидир. Бундай иқтисодий ислоҳотлар давлат раҳбарининг кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтган дастурига биноан у бошчилигида ташкил қилинган ҳукумат томонидан амалга оширилмоқда. Бошланган ишни ярим йўлда чала қолдирмасдан охирига етказиш мақсадида шундай референдум ўтказиш зарурати туғилди.

Президент ваколатларини узайтириш бу унга имтиёз ёки қўшимча ваколат бериш деган тушунчани англатмайди, балки ўз вазифасини тўла-тўкис бажариш учун муддат берилади, деб тушуниш лозим.

Хўш, референдум ўтказиш натижасида нималарга эришиш мумкин? Биринчидан, мамлакат халқи томонидан Президентнинг сиёсий рейтинги аниқланади, иккинчидан, унинг иқтисодий ислоҳотларни олиб бориш маҳорати баҳоланади, учинчидан давлатни бошқариш услубига муносабат билдирилади, тўртинчидан, Президентнинг ижтимоий, маънавий ишларини қўллаб-қувватлаш даражаси ўлчанади, бешинчидан, унинг халқаро майдонда қозонган обрў-иқромига эътибор берилади.

Узбекистон Республикаси референдумини ўтказиш давлатни халқ томонидан бошқарилишининг ёрқин белгисидир.

Мубин НАСУЛЛАЕВ,
Тошкент Давлат юридик институти катта ўқитувчиси, юридик фанлари номзоди.

· Иқтисодиёт

МУЛК ЭГАСИНИ ТОПСА...

«... Изланиш, ташаббускорлик, тадбиркорлик руҳи билан яшаш ва курашиш — бугунги куннинг энг долзарб масаласидир».

Мустақил Ўзбекистонимиз XXI аср бўсағасида турибди. Жумҳуриятимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг илк мевалари янги асрни бой-бадавлат, тўкин ва фаровон бўлиб кутиб олишимиздан далолат бермоқда. Ўзбекистон Президенти ва ҳукуматимиз бу борада бирмунча йирик тадбирларни белгилаб беришди. Жумладан Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш тўғрисида»ги қарори асосида бирмунча ишлар қилинди. Кўпгина хўжаликлар мулкчиликнинг нодавлат шакли — жамоа хўжаликларига айлантирилди.

Бизнинг Чуст туманида 9 та жамоа хўжалигидаги 10 та қорамолчилик фермаси, 5 та жамоа хўжалигидаги паррандачилик фермалари хусусийлаштирилди. Ана шу хусусийлашган фермаларга озуқа етиштириш учун салкам 2 минг гектар экин майдони ажратиб берилди. Бу ҳар бош шартли қорамолга ярим гектардан ер тўғри келади, деган сўз.

Белгиланган режа асосида тумандаги битта комбинат, матлубот жамиятлари уюшмаси, «Кооптайёрлов савдо» корхонаси ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди. «Агрострой» трестига қарашли уча механизациялашган колонна, туман қишлоқ хўжалик техникасини таъмирлаш корхонаси ва бошқа ташкилотлар ҳам хусусийлаштирилди.

Кейинги пайтларда туманимизда қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳолини янги иш жойлари билан таъминлаш учун саноат корхоналарининг филиаллари, кичик ва хусусий корхоналарни ташкил этишга катта эътибор берилмоқда. Айни пайтда қишлоқларимизда саноат корхоналарининг 5 та филиали, 15 та ширкат, 134 тадан зиёд кичик ва хусусий корхоналар, 5 та ғишт ишлаб чиқарадиган ва 2 та сутни қайта ишлайдиган кичик заводлар фаолият кўрсатмоқда. Уларда 500 дан зиёд қишлоқ меҳнаткашлари иш билан банд бўлди. Шунингдек, икки қишлоқда йилига 4 миллион шартли банка маҳсулот ишлаб чиқарадиган консерва цехлари, 10 миллион дона безак ғишт ишлаб чиқарадиган заводлар қурилмоқда.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида фермерлик ҳаракатини ривожлантириш муҳимдир. Шу боис ўтган йилнинг ўзида салкам 400 та деҳқон (фермер) хўжаликлари ташкил этилди. Шуниси қувончлики, фермерлар ўтган йили давлатга салкам 80 тонна гўшт, 200 тоннадан зиёд сут, 100 минг донадан зиёд тухум сотишди. «Москва» жамоа хўжалиги ёппасига деҳқон (фермер) хўжаликларига айлантирилди. Биз бундан буён ҳам мана шу йўлдан бораверамиз. Чунки шу йўл билан қишлоқ аҳолисида мулкка бўлган муносабатни ўзгартириб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлашни янада ривожлантиришга эришамиз. Бу билан халқимиз дастурхонини янада тўкин қила бориб, Ўзбекистонимизнинг келажаги янада буюк бўлишини таъминлашга ҳисса қўшамиз.

Рауфхон МУРТАЗОЕВ,
Чуст тумани ҳокими.

ТАДБИРКОР — ЯНГИ ДАВР КИШИСИ

Тадбиркорликка давлат аҳамиятига молик масала сифатида қарай бошланди. Унга иқтисодий ислоҳотимиздаги асосий бўғинлардан бири деб эътибор берилмоқда.

Ахир бундан 40-50 йил илгари эмас, куни кеча яшалган собиқ Иттифоқ даврини ёдга олайлик. Тадбиркорлик ва ишбилармонлик хусусида сўз юритиш у ёқда турсин, кишиларимиз пешона тери эвазига топилган маблағларига уй-жойларини кенгайтириши, фарзандларининг эртаси учун тўрт-бешта мол боқиб, яхшироқ яшашга бўлган интилиши жамиятнинг ёзилмаган қонунлари билан таъқиқланганлигини унутиб бўладими?

Айни пайтда, йигирма биринчи аср бўсағасида туриб, биз ана шу сабоқлардан хулоса чиқарган ҳолда ота-боболаримизнинг азалий тадбиркорлик борасида амалга оширган измига қайтаётирмиз. Қувонарлиси, бугун ана шундай эзгу интилиш мустаҳкам қонунлар муҳофазасига олинди. Айниқса, жамғармамиз тузилганидан кейин ўтган бир йилу саккиз ой мобайнида республика парламенти томонидан қабул қилинган қатор ҳужжатлар, Президент фармонлари тадбиркорлик ишига киришган фуқаролар фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлабгина қолмай, улар учун етарли даражада имтиёзлар ҳам яратди.

Ҳа, чиндан ҳам мулкка бўлган онгли муносабатдан келиб чиқадиган тадбиркорлик кенг омма орасига кириб бормоқда. Қачонки бу жараён тўла-тўкис амалга оширилгандагина мамлакатнинг иқтисодий қудрати, халқимизнинг фаровон турмуш тарзи кескин ўзгаради. Президентимизнинг 1994 йил 21 январда «Иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги фармони мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларни юксак босқичга кўтарди, бир қанча кафолатларни берди. Шунингдек, ҳар бир корхона ҳамда унинг эгалари фаолиятини кучайтириш учун қўшимча имкониятлар яратди. Қолаверса, ана шу фармон жаҳон бозорига чиқишимизга шароит яратди.

Жорий йилнинг 5 январидаги Президентимизнинг «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги навбатдаги фармони яна бир карра тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, давлат мулкини хусусийлаштириш орқали ислоҳотлар кўламини кенгайтириш, мулк эгаси ҳисларига барҳам бериш мумкинлигини исботлади. Халқимизни иқтисодий ижодкорлик йўлига бошлади. Мамлакатимизнинг иқтисодий равнақ йўли очиб берилди.

Тадбиркорликнинг келажаги порлоқ. Ниятимиз шу йилнинг ўзида хусусий корхоналар сонини 100 мингга етказиш. Ана шунда уларда яна 1 миллион нафар одам иш билан таъминланади. Натижада хусусий корхоналар ички бозоримизни маҳсулотлар билан тўлдиришга, XXI асрга шаҳдам одим билан кириб боришга имкон яратилади.

Дилшод КАМОЛОВ,
Республика кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғарма бош директори.



· Фан ва маданият

МАЪРИФАТ НУРЛАРИ

Инсон қалби ва шуурини маърифат нури чароғон қилади. Ориф киши ҳаётни фақат оқ ва қора тасвирда илғабгина қолмай, ораликдаги ранглар-ни ҳам кўради. Ҳаётни борлиғича қабул қилади. Ҳар қандай жамият ориф инсонлар тафаккурининг тадрижий тараққиётида маърифатга эришади. Бу ҳақда Президентимиз Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида сўзлаган маърузаларида «Ақлий заковат ва руҳий салоҳият— маърифатли инсоннинг икки қанотидир» дея алоҳида таъкидлаб ўтди.

Мен шу озод Ватаннинг оддий фуқароси, қолаверса, бир ижодкор, санъаткор сифатида юртбошимиз айтган сўзларнинг ғоят катта масъулиятини ҳис этдим. Чунки энди эркин бўлдик, мустақил бўлдик, деб қараб ўтириш бугунги ҳар бир онгли одам учун инсофдан бўлмас. Аксинча, ҳаммамизнинг елкамизга янада оғирроқ ва янада мушкулроқ, тўғрироғи, шарафлироқ вазифалар юкланяпти.

Шу маънода, биз ижод аҳиллари учун ҳам синовли лаҳзалар бошланаётир. Бугун томошабинлар замони эмас, балки халқ ва юрт, миллат манфаати йўлида астойдил тер тўкиб ишлайдиган фидойилар замони келди. Яратган Эгам ато этган Истеъдод (адабиёт-санъат ва бошқа ижодий фаолиятларни назарда тутаяпман) инсоният тафаккурининг энг гўзал кашфиётларидан бири. Ўйлайманки, янги асримизда Ўзбекистонда ана шу ноёб иқтидор соҳибларининг маданий ва ижтимоий ҳаётда тутган ўрни янада мустаҳкамланади.

Маъмура ЭРГАШЕВА,
Ўзбекистон халқ артисти.

ЮКСАЛИШНИНГ ЙЎЛЛАРИ

Истаймизми-йўқми шахсни атрофдаги табиий муҳитгина эмас, балки сиёсий-ижтимоий ҳамда сиёсий-иқтисодий муҳит мукаммал тарзда кўпроқ шакллантиради. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Тан олайлик, шўролар замонида биз — ўзбек зиёлиси, ўзбек олими тушунчаларини дилда эркинроқ бўлса-да, тилда ҳушёрроқ туриб талқин этардик. Ютуқларимиз, сезиларли натижалар ўзбек олими ё зиёлисининг меҳнати деб эмас, балки совет зиёли-олимининг ютуғи деб миллатсизлаштирилар ва шахссизлаштирилар эди. Энди-чи?

Хайриятки, «Буюк» империя қулаб, тарқаб кетди. Дунё харитасида «Ўзбекистон» деган мамлакат, ўзбек дея аталмиш миллат ўз ўрнини, овозини топди. Бу неча асрлар давомида бизнинг ота-боболаримиз бир умр соғиниб яшаган ёруғ кунлар эканлигини англаб етдик. Озодлик, мустақиллик тушунчалари тасаввуримизга кенгроқ сиға бошлади. Уч йилдан ошди, эндиэнди бу олий неъматнинг таъмини сезяпмиз.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги юртбошимизнинг маърузаси, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, ҳаммамиз учун белгилаб берилган очиқ-ойдин дастур бўлди. Ғалдаги вазифалар аён. Энди фақат ишлаш керак. Сир эмас, йил сайин айниқса, фан-техника соҳаларидаги мавқеимиз юксалиб бормоқда. Шунингдек, уларнинг жаҳон илму фани тараққиётидаги улуши ҳам ортаётир. Мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёти, фан ва янги технологияларнинг тараққиёт ҳолати олимлар, тадқиқотчилар ижтимоий тизимда тутган ўрнининг вазни, салмоғи билан ўлчанади. Бугун ёш, мустақил мамлакатимиз хорижга, дунёга ўзининг неларга қодир эканлигини намойиш қиляпти.

Умидворлиз ва ишончимиз комил, Ўзбекистон янги асрда барча соҳаларда шу жумладан, минерал хом ашё бойликлари, табиий заҳиралари билан бир қаторда ўзининг фани, идрокий салоҳиятининг мустаҳкамлиги билан ҳам мағрурланса арзийди.

Асқар ХОЛМУРОДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг раиси.

«Бир сўз билан айтганда, биз жамиятимизда инсоннинг ўз қобилиятини, табиат ато этган иқтидори ва истеъдодини тўла намоён этиши учун, адабиёт, санъат ва умуман эркин ижодий фаолият ривожи учун зарур шароитларни яратишимиз лозим».





ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ЖАРАНГИ

Тўғриси, менинг асл мутахассислигим инглиз тили бўйича, Муаллимаман. Лекин... Биламан, кўплар ҳайрон бўлар ҳам. Ўзи она тилидан эмас, хорижий тилдан сабоқ берар экану, яна бошқача мулоҳаза билдиряпти, дейдиганлар ҳам топилар.

Майли, ҳар ким ўз кўнглига қараб иш тутади. Аввало мен — Ўзбекман! Қолаверса, Ўзбекистон деган улкан мамлакатнинг фуқаросиман. Бундан бир умр фахрланиб яшамоққа ҳақлиман. Шу маънода неча-неча асрларнинг бой сир-асрорларини ўз қатида асраб-авайлаб келаётган Ўзбек тилидан бизнинг қарзимиз кўп, азизлар.

Ҳеч иккиланмасдан айтишим мумкин, у ҳали ўзининг юксак қадр-қимматини, ўрнини топгани йўқ. Тўғри, унга берилган Давлат мақоми халқимиз ва ҳукуматимиз томонидан қилинган энг бебаҳо савоб ишлардан бири бўлди. Ҳар хил нотўғри қарашлар, эскича муносабатлар сезиларли тарзда ўзгарди. Аммо...

Яна такрор бўлса-да айтай: инглиз тилига ихлосим баландлиги учун уни пухта ўргандим, олий мактабда шу соҳа мутахассислиги бўйича гувоҳнома олдим. Бу тилни заррача камситмоқчи эмасман. Унинг Дунё миқёсидаги ўзига хос ўрни ва қадри етарли. Бироқ, гоҳо ўйлаб қоламан-да, қанийди, бизнинг ўзбек тилимиз ҳам янги асрда дунёдаги энг нуфузли муомала тиллари сафига кирса, дейман. Бунинг учун биринчи навбатда бизнинг ўзимиз кўпроқ қайғуришимиз, фидойилик кўрсатмоғимиз керак бўлади. Ана шундагина бу бой ва ғоят латиф лисонимиз ўз баҳосини олади.

Бу — менинг орзуларим, мулоҳазаларим. Балки бу фикрга таниқли тилшунослар, зиёлилар ўз муносабатларини билдирар...

Сурайё МАҚСУДОВА.

АСР БОШИДА

· Халқаро муносабатлар

«Ташқи сиёсатни мафкурадан тўла холи этиш хавфсизликни таъминлашнинг муҳим кафолатидир. Ўзбекистон шу пайтгача дунёнинг барча мамлакатлари, қитъалари ва минтақалари билан ўз муносабатларини, бу мамлакатларнинг устқурмаси қандай бўлишидан қатъи назар, фақат халқаро ҳуқуқнинг барча тан олган қоида ва мезонлари асосида қуриб келди ва бундан кейин ҳам шу йўлдан боради».

ИШОНЧИМ КОМИЛ

СО ГЁН И,
Корея Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси

Мустақил Ўзбекистоннинг ойдин йўли бор. МДҲ давлатларига нисбатан бу мамлакатда ишончли сиёсий ва барқарор осойишталик муҳим омил бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон XXI асрга қадам қўяр экан, катта минтақада Россия ва бошқа мамлакатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантирмоқда ва иқтисодий ҳамкорлик йўли билан бутун Марказий Осиёнинг гуллаб-яшнашида ўрнак бўлмоқда. Жаҳоннинг илғор мамлакатлари билан техникавий ҳамкорлик қилиш, инвестицияларни кўпайтириш бу диёр учун фойдали бўлиши билан бирга унинг халқаро майдондаги обрў ва эътиборини янада оширади.

Корея Республикаси ва Ўзбекистон ўртасида сиёсий, иқтисодий, маданий алоқалар мустаҳкам асосга қурилган, давлатларимиз бошлиқларининг сафарлари бунга катта қудрат бахш этмоқда.

XXI аср Ўзбекистон учун давлатчиликни, сиёсий хавфсизликни ва хорижий мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини мустаҳамлаш асри бўлиб қолади. Бунинг учун сизнинг мамлакатингизда сиёсий ва ижтимоий барқарорлик етарли.

Сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар соҳасида катта ютуқларга эришган Корея Республикасининг элчиси сифатида мен шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, Ўзбекистонда содир бўлаётган барча ўзгаришларни ёрқин тасаввур этаман ва Ўзбекистон халқларининг орзу-истаклари рўёбга чиқишига ишонч билан қарайман.



МУВАФФАҚИЯТ ТИЛАЙМАН

Карл ХАЙНЦ КУНА,
Германиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати яқинда ўз ишини бошлаган янги Олий Мажлиси билан демократия ва тараққиёт сари муҳим қадам қўйди. Унинг депутатлари сафи аввалгисидан салоҳияти билан фарқ қилади. Олий Мажлисда Президент Ислом Каримовнинг қилган маърузаси ғоятда мазмунли ва кўп масалаларни қамраб олганлиги билан диққатга сазовор. Ҳукумат ва халқ олдига қўйилган вазифалар мустақил давлатни ривожлантириш билан бирга унинг бозор иқтисодиётини кенг равнақ топтиришга қаратилган. Бунинг учун депутатлар ғоятда катта масъулият билан иш олиб боришлари ҳаёт ва давр тақозосидир.

Ўзбекистонда аёллар аҳоли сонининг ярмидан кўпини ташкил этиши ва уларнинг ҳаётдаги мавқеини оширишга катта эътибор берилаётгани ҳаққоний кўринмоқда. Аёл кишининг парламент раиси ўринбосари лавозимига тайинланиши катта гап. Мамлакатингизда юздан ортиқ миллат вакиллари тинч-тотув яшаши учун етарли шароитлар яратилган. Рус миллати кишиси ҳам парламент раисининг ўринбосари бўлиб сайланиши мамлакатингиздаги тинчлик ва тотувлик белгисидир.

Ўзбекистон Европадаги ва бошқа қитъалардаги тараққий этган мамлакатлар билан яхши ҳамкорликни давом эттириши ва уни юқори даражага олиб чиқиши учун барча ҳаракатлар қилинаётгани кўриниб турибди. Мамлакат Президенти ўз маърузасида белгилаган йўлдан собит қадамлар билан борилса, яқин 3-4 йил ичида Ўзбекистон катта муваффақиятларга эришишига ва халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллаши учун шароитлар ва асослар бор. Германия ва Ўзбекистон ўртасидаги кўпқиррали ҳамкорлигимиз янада ривожланишида аниқ ва ишонарли тадбирлар белгиланмоқда.

· Қадрият ва мерос

«Маънавият ва маърифат жамиятимиз, халқимиз камолотининг бош омилларидан экан, биз бу соҳага давлат миқёсида ғамхўрлик қилишимиз, шароит туғдиришимиз шарт».



РУҲИЙ ПОКЛАНИШ

Инсоният минг йиллардан буён диндан маънавий озиқ ва мадад олиб келган. Дин ота-боболаримизнинг неча-неча авлодини тарбиялади. Унутмайлик, Шарқнинг Буюк Уйғониш даври ҳам ислом бағрида вояга етган эди. Дин халқ маънавиятининг, маърифатининг юксалишига жуда катта ҳисса қўшди. Авлодларни руҳий покликка, ҳалолликка, ҳаромдан ҳазар қилишга, меҳнат билан ризқ топишга, сабр-бардошга, умид ва орзу қилишга, эзгу ният ва мақсадлар билан яшашга ўргатди. Ёшларни Ватанга садоқат, халқ корига яраш, заҳурур бўлиб қолса, Ватан ва халқ учун жонни фидо қилиш руҳида тарбиялади. Эл юрт учун фидоликни шараф деб билди.

Дин — маҳдуд таълимот эмас. У ҳамиша кишиларни иймон ва эътиқодга, маънавий покликка, илм олишга ундайди. «Илм олиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир»,— деб уқтиради. Бу қоидага қатъий амал қилган аждодларимиз орасида динсизлар, демакки илмсизлар деярли бўлмаган. Улар мактаб ва мадрасаларда нафақат диний, балки дунёвий илмлар билан ҳам шуғулланганлар.

Дин моҳият асоси билан халқлар ўртасидаги байналмилал дўстликни тарғиб қилади... Мамлакатимизда энг кўп тарқалган ислом дини бўлса, у билан ёнма-ён православие, иудаизм, баптизм, адвентизм, католицизм каби ўндан ортиқ бошқа конфессиялар ҳам фаолият кўрсатади. Уларнинг эмин-эркин иш юритиши республикамизнинг Асосий Қонуни билан кафолатланган. Мамлакатимиздаги осойишта ва осуда ҳаётни таъмин этишда дин ва диндорларнинг ҳам салмоқли ҳиссаси бор.

Убайдулла УВАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги диний ишлар қўмитаси раисининг биринчи муовини

МАФКУРА — ДАВЛАТ ТАЯНЧЛАРИДАН БИРИ

Мафкурасиз мустақил давлатнинг бўлиши мумкин эмас. Миллий пул, миллий қўшин сингари мафкура ҳам мустақил давлат бўлишнинг зарурий шарти, давлатнинг мустаҳкам таянчларидан биридир. Мустақил давлатимизнинг истиқлол мафкураси халқимизнинг бой маънавияти негизида яратилди. Унда ҳозирга қадар тўпланган маънавий қадриятларимизнинг энг прогрессив хусусиятлари, ҳозирги замон ғояларининг энг илғор жиҳатлари ўз ифодасини топган.

Маънавият борасидаги асосий вазифамиз — бу маърифатли инсонни тарбиялаб вояга етказишдир. Бу масалага юртбошимиз биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида сўзлаган маърузасида ҳам батафсил тўхталди. Шу мақсадда ўрта мактаблардан тортиб олий ўқув юртларигача бўлган таълим-тарбия масканларининг ишини мувофиқлаштириш зарурлигини, ёшларимизнинг етук мутахассис бўлишининг ўзи кам экани, уларни баркамол инсонлар қилиб тарбиялашимиз зарурлигини уқтирди. Зеро, халқимизнинг олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин, деган мақоли ҳам бежиз эмас.

Шарқ ҳамиша ўзининг бой одоб-ахлоқи, маънавий қадриятлари билан ажралиб турган. Келажак авлодларимиз ана шу мероснинг ҳақли ворислари, давомчилари ва ривожлантирувчиларидир. Эзгу мақсад билан бошлаган ишларимизнинг давомчилари маънан комил инсонлар бўлиб етишишларига ишонаман.

Пиримқул ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати.

Биз Шарқ деганда аввало ўз юртимизни тушунамиз. Ана шу Шарқнинг қадим Ҳиндистон, Хитой фалсафасидан қолишмайдиган азалий, теран фалсафаси бор. Халқимизнинг тафаккур хазинаси билан инсоният маънавий мероси тўлиб турибди. Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Имом ат Термизий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур каби мутафаккир аждодларимизнинг доно фикрлари жаҳон цивилизациясига жуда катта таъсир кўрсатган.

ШАРҚҚА ИНТИЛИШ

Мустақиллик туфайли ҳамда ҳукуматимиз ва юртбошимизнинг маданий меросга бўлган эътибори натижасида бутун дунё тан олган ана шу улкан маданий мерос яна ўзимизга, қалбимиз ва шууримизга қайтди. Истиқлолимизга тўрт йил бўлаётган бўлса, шу пайтгача уларнинг асарлари кўп нусхаларда нашр этилди, оммалаштирилди. Фидойи олимларимиз яна қанчадан-қанча битикларни ўрганмоқдалар, тадқиқ этмоқдалар. Энди галдаги вазифа — оммалаштирилган асарлар ғояларини, фалсафасини ҳаётимизга, иш фаолиятимизга татбиқ этишдир. Илм амалда қўллансагина унинг бунёдкорлик кучи яққол кўзга ташланади.

Матншунос олимларимиз илм даргоҳларида бир қанча алломаларимизнинг илмий меросларини синчковлик билан ўрганмоқдалар. Ҳатто номлари бизга номаълум бўлган бир қатор утмишдошларимиздан ёдгор қолган улкан мерос халқимизнинг мулкидир. 2000 йилгача бўлган фурсатда ана шу меросдан халқимиз баҳраманд бўлади. Тарихимизни ўрганишнинг янги, мукаммал концепцияси ишлаб чиқилади. Ҳозир асосан тижорат тармоқлари томон оғиб кетаётган ёшларимиз яна илмга, фан билан шуғулланишга қайтадилар, деб умид қиламиз.

Хуршид ДАВРОН,
республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раисининг муовини.

· Спорт ва ҳарбий ватанпарварлик

«Соғлом киши деганда фақат жисмоний соғломликни эмас, балки шарқона ахлоқ-одоб ва умумбашарий ғоялар руҳида камол топган инсонни тушунамиз...

Давлатимиз хавфсизлигини таъмин этишнинг асоси — мамлакатимиз ёшлари. Ёшлар — бизнинг таянчимиз, эртанги кундан умидимиз, савобли ишларимизнинг давомчиларидир».

Биродар АБДУРАИМОВ:

ЎЗБЕКИСТОН ДЕГАНДА ФУТБОЛ ЁДГА КЕЛАДИГАН БЎЛАДИ

Орзуга айб йўқ дейишади. Ишончим комилки, Ўзбекистон футболининг келажаги порлоқ. Спортнинг энг оммавий тури бўйича биз қўлга киритган ютуқлар юртимиз довруғини дунёга ёйса, ажабмас. Минглаб муҳлислар Ўзбекистонда футболсеварлар нечоғлиқ кўллигини, халқ севган ўйинга катта эътибор берилаётганини сезиб турибдилар. Спортнинг айнан футбол турини ривожлантиришга бағишланган ҳукумат қарори ҳам шундан нишона.

Истиқлол шабадаси эса бошлаган қисқа даврда футболимиз нималарга қодир эканлиги амалда намоён бўлди. Хусусан, Осиё ўйинларида эришилган ажойиб ғалаба Ўзбекистон номини, унинг миллий байроғини олис мамлакатларда ҳам эътироф этилишига имкон берди. Зеро, аср бошида халқаро майдонда юксак натижаларга эришиб, юртимиз шаънини янада улуғлаш учун бутун куч ва маҳоратимизни ишга соламиз. Футболчиларимиз янгича услубда, жаҳон талабларига мос, мухтасар шакл-шамоилларга хос маҳорат кўрсатишлари керак. Футболчиларимиз миллий чемпионатни юқори савияда ўтказиб, Марказий Осиё ўйинлари, олимпиада учрашувлари ва жаҳон чемпионатига қизғин ҳозирлик кўрмоқдалар. Ният холис, яқин келажакда ер юзидаги миллионлаб муҳлислар: Узбекистон деганда, о-о-о, футбол, деб фахрланадиган бўладилар.



ХАЛҚАРО МАЙДОНЛАР САРИ

Маълумки, кичик тўп деб юритилувчи теннис жаҳонда энг оммавий спорт турларидан ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларнинг деярли барида теннис ўйнамайдиган киши топилмаса керак. Шунинг учунми, теннисни маданият тимсоли, деб баҳолашади. Юртбошимизнинг айнан спортнинг шу турини ватанимизда ривожлантиришга қаратилган ғамхўрликлари ҳам шундан. Тошкентда «Юнусобод» теннис саройининг барпо этилиши катта воқеа бўлди. Ўтган йили «Президент кубоги», «Буюк ипак йўли» каби халқаро мусобақаларнинг ташкил этилиши турли мамлакатларнинг етакчи теннисчиларини жалб этди. Бу мусобақалар анъанавий давом этаверади.

Шу кунларда халқаро совриндорлик баҳсларига ҳозирлик кўрилмоқда. Теннисчиларимиз Филиппинда мусобақада иштирок этишяпти. Олег Огородов, Дмитрий Томашевич, Темур Ғаниев, Вадим Куценко, Темур Хонхўжаевлардан умидимиз катта. Теннисчи аёллар терма жамоаси эса Ҳиндистонга йўл олишган . Ҳа, теннис юртимизда янада оммавийлашиб, спортчиларимиз халқаро майдонлар сари одимлайверади.

Самиг ОБИДОВ,
Ўзбекистон теннис терма жамоаси катта устози.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 13

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Кичкинтой» устахонаси.
18.30 «Солиқ».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Бўстон». Телевизион журнал.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Жаҳон жанговар санъатлари».
21.30 «Ўзбекистон бастакорлари». Толибжон Содиқов.
22.35 — 23.00 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 «Йўлингиз бехатар бўлсин!».
19.30 «Интилиш».
20.00 «Ташрифлар ва таклифлар».
20.30 «Саломат бўлинг!».
21.10 — 21.55 Бевосита мулоқот.

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Ёшлик» студияси. «Эзгуликка интилиб».

*

«ОМАД» таништиради:
20.30 «Совга».
21.00 «4/8». Мусиқий кўрсатув.
21.15 Жаҳон географияси.
22.05 Эълонлар.
22.10 Видео—«О».
23.50 Эълонлар.
23.55 «Курьер».
00.15 «...яна об-ҳаво ҳақида».
00.25 «Постфактум».
00.35 — 00.55 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 «Ҳамманинг тилида».
18.30 «50 йил муқаддам ушбу кунларда».
18.50 Янгиликлар.
19.00 «Тигиз пайт».
19.30 «Шаддод Роза». Телесериал (Мексика).
19.55 «Кумушранг шар». Кўрсатувни В. Вульф олиб боради.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 А. И. Солженицин билан учрашув.
21.55 «Ван Дамм, Ван Дамм...» В. Молчановнинг муаллифлик кўрсатуви.
22.35 — 22.45 «Спорт уик-энди».

СЕШАНБА, 14

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Шаҳар чеккасида». Бадиий фильм.
10.20 «Оддий кун». Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт.
11.00 «Кашф этилаётган имкониятлар».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи.
12.00 «Болалар меҳмонхонаси».
12.30 «Ёшлик» студияси. «Эъзоз».
13.10 «Сиҳат-саломатлик» почтасидан.
13.40 — 14.10 Камер куйларидан концерт.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.20 Болалар учун. «Қўнғироқча».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Адолат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ташаббус-94». Республика тадбиркорларининг II қурик-танлови якунларига бағишланган кўрсатув ва концерт.
21.45 «Барҳаёт наволар». Ўзбекистон халқ артисти Эътибор Жалилова.
22.35 — 23.00 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
18.30 «Мультфейерверк».
18.55 Ҳайвонот дунёсининг сирлари.
19.45 Янгиликлар.
19.50 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
20.35 Видеогид.
20.55 «Теле-ателье-шоу».
21.05 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.45 «Кинонигоҳ».
23.25 — 23.45 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Дилдан ўйнаб, йўра қувнаб».
20.25 «Бозор иқтисодиёти сабоқлари».
20.55 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.55 «Ўорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
22.15 «Уммондан томчи».
22.50 «Бизнес-банк».
23.05 «Ҳамкорлик — тараққиёт нишонаси».
23.35 — 23.45 «Би-Би-Си» янгиликлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 «Тонг».

*

18.00 «Рус йўналиши».
18.30 «СБ» жумбоғи».
18.40 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
18.50 Янгиликлар.
19.00 «Тигиз пайт».
19.25 «Шаддод Роза». Телесериал (Мексика).
19.55 «Биз». В. Познернинг муаллифлик кўрсатуви.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 «Илк манбадан».
21.50 — 22.20 «Гол».

ЧОРШАНБА, 15

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Оцеола». Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Умумий биология.
11.00 «Жон қизлар, жонон қизлар». Концерт.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Давлат ва ҳуқуқ асослари.
12.00 «Ғазалхон ёшлигим».
12.40 «Алифбо сабоқлари».
13.10 — 15.10 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.20 «Маърифат бешиги».
18.45 Спорт хабарномаси.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Таниш чеҳралар». Кинокўрсатув.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «УМУМХАЛҚ РЕФЕРЕНДУМИ ОЛДИДАН».
21.30 «Муҳаммад Раҳимхон Феруз». Ҳужжатли фильм премьераси.
22.25 — 22.50 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Дарсга қўнғироқ...».
19.15 «Мусиқий меҳмонхона».
20.15 «Шоҳсупа сари».
20.30 «Тошкент оқшомида».
21.30 — 23.10 «Кинематограф».

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.50 «Мулоҳаза».
20.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

«ОМАД» таништиради:
21.15 — 00.15 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 «Тонг».

***

18.00 Эфирда — Давлатлар-аро «Мир» телерадиокомпанияси.
18.45 «Ким аслида ким?». XX аср. С. Рахманинов.
18.50 Янгиликлар.
19.00 «Тигиз пайт».
19.30 «Шаддод Роза». Телесериал.
19.55 Ғалабанинг 50 йиллигига. «Брест геттоси». Телефильм.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 «Монолог».
21.50 — 23.50 Кино асри. «Оила кенгаши». Бадиий фильм (Франция, 1985 й.).

ПАЙШАНБА, 16

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан. «Онажон, мен тирикман». Бадиий фильм.
10.05 Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт.
11.00 «Кафолат».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
12.00 «Ёшлик» студияси «Мактубларингизни ўқиб...»
12.40 «Ёшлар ижоди». Салоҳиддин Нуралиев.
13.05 - 15.05 «Синов даври». Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.20 «Хусусийлаштиришнинг янги йўналишлари».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Булоқлар кўз очганда».
19.40 «Мерос». Замахшарий.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда—Навоий вилояти.
21.40 Юнус Ражабий номидаги мақом ансамблининг концерти.
22.20 «Театр учрашувлари».
23.20 — 23.45 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Омад» таништиради:
18.30 «Омад» тақвими.
18.35 «Жозиба».
18.55 «Бир шингил ҳангома».
19.05 «Ишингиз бароридан келсин».
19.40 «Теле-ателье-шоу».
19.50 Видео янгиликлари.
20.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.05 «Кинонигоҳ».
22.45 — 23.05 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.40 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Бевосита мулоқот».
20.40 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
21.30 «Ўорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
21.50 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.50 — 23.30 «Мусиқий жилолар».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 «Тонг».

***

18.00 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.30 Мультфильм.
18.45 «Ким аслида ким?». XX аср. Вивьен Ли.
18.50 Янгиликлар.
19.00 «Тигиз пайт».
19.25 «Қадимий вулқон тизмаларида». Телевизион ҳужжатли фильм.
19.40 Футбол. Чемпионлар лигаси. 1/4 финал. «Пари Сен-Жермен» (Франция) — «Барселона» (Испания). 1-тайм. Франциядан кўрсатилади.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 Футбол. Чемпионлар лигаси. 1/4 финал. «Пари Сен-Жермен» (Франция) — «Барселона» (Испания). 2-тайм. Франциядан кўрсатилади
22.30 — 22.50 «Москва, Кремль».

ЖУМА, 17

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Ўзбекистон—гуллар ўлкаси». Кинодастур.
9.40 Инглиз тили.
10.10 «Ёшлар билан юзма-юз».
10.50 «Ўқитувчилар, Сизлар учун».
11.10 Скрипка тароналари. Марлис Юнусхонов чалади.
11.40 «Вазият».
12.15 «Қирқ ҳунар ҳам оз».
12.45 —13.20 «Адиб ижодхонасида». Одил Ёқубов.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Нон таъми».
19.40 «Санъат олами».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «УМУМХАЛҚ РЕФЕРЕНДУМИ ОЛДИДАН».
21.30 Қува тумани «Анор» ашула ва рақс халқ ансамблининг концерти.
22.05 Ўзбек киносининг 70 йиллигига. «Алишер Навоий». Бадиий фильм.
23.40 — 00.05 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Фильмлар ва тақдирлар». Кинокўрсатув.
19.10 «Учқун».
19.40 «Саломатлик — туман бойлик».
20.10 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.40 «Билиб қўйган яхши».
21.05 «Бу бўстон аро».
21.35 — 22.35 «Тошкентнома».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.45 Туркия телевидениеси.

*

19.45 «Мультқарусель».
20.00 «Ислоҳот ва масъулият».
20.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

*

«ОМАД» таништиради:
21.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.30 «Панорама».
22.00 «Салом, ёшлар!»
22.40 «Даракчи».
22.50 Эълонлар.
22.55 Видео—«О».
00.35 — 00.55 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 «Тонг».

* * *

18.00 «Инсон ва қонун».
18.30 «50 йил муқаддам ушбу кунларда».
18.50 Янгиликлар.
19.00 «Бомонд».
19.25 «Шаддод Роза». Телесериал.
19.50 «Муъжизалар майдони».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 «Ҳафтанинг машҳур кишиси».
22.00 — 23.05 «Детективлар клуби»да. «Машҳур детективлар». Бадиий фильм. 4-фильм — «Олти мурда» (Франция).

ШАНБА, 18

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Қувноқ стартлар».
9.30 Т. Ҳасанов, Р. Азизхўжаев, Ҳ. Муҳаммад. «Куёвлар конкурси». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли.
11.30 «Сумалак». Телефильм.
11.45 «Ёшлик» студияси. «Зиё».
12.55 «Эл хизматида». Коммунал хизмат ходимларига бағишланган кўрсатув ва концерт.
13.55 — 15.55 «Маънавият» видеоканали.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.10 Болалар учун. «Умид учқунлари».
18.45 Спорт хабарномаси.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
20.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Офарин-94». Замонавий ўзбек эстрада санъати танлови голибларининг концерти.
22.00 «Ёшлик» студияси. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
23.10 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
9.00 «Мультфейерверк».
9.25 Ҳайвонот дунёсининг сирлари.
10.15 Янгиликлар.
10.20 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
10.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.05 Видеогид.
11.25 «Теле-ателье-шоу».
11.35 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.15 «Кинонигоҳ».
13.55 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).
14.15 — 18.30 «Спорт қитъаси».

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Табассум».
19.10 «Антенна».
19.40 «Пульс».
19.55 «Акс-садо».
20.25 «Менинг кўчам».
20.40 «Эсдалик учун дастхат».
21.05 «Гладиаторлар». Спорт шоу дастури.
21.45 «Кинематограф».
23.25 — 23.30 «Хотима».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 «Салом, Франция!»
10.30 «Чинсэн».
11.10 — 11.40 «Серенада». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.

* * *

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Колумб кашф этган диёр».
20.45 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
21.10 «Ўзбекистон: ҳамкорлик йўлидан».
21.45 «Би-Би-Си» янгиликлари.
21.55 «Бу ажиб дунё».
22.15 — 22.25 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 «Ақлли болалар ва оқила қизлар».
18.55 «Бешинчи сайёра». Ахборот-публицистик кўрсатуви.
19.45 «Бешинчи бурчак». Телесериал. 6-серия (АҚШ, «Коламбия пикчерс»).
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.45 «Каин ва Авель». Телесериал. 6-серия (АҚШ, «Коламбия пикчерс»).
22.30 — 23.10 «Зиновий Гердт ҳикоя қилади...» Ҳажвий кўрсатув.

ЯКШАНБА, 19

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Яшил чироқ».
10.00 «Ёшлик» студияси. «Ватанимга хизмат қиламан».
10.30 Халқ севган достонлар. «Кунтуғмиш». Ўзбекистон халқ артисти Рузимбек Муродов ижро этади.
11.30 «Шохрух» клуби.
12.00 «Сирли сандиқ». Телевизион ўйин.
12.50 «Актёрлар ва роллар». Тўти Юсупова.
13.50 — 15.50 «Кичкинтой» видеоканали.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильмлар дастури.
18.20 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ҳафтанома» (рус тилида).
19.30 Эълонлар.
19.35 «Ойнаи жаҳонда...».
19.55 «Тасвир». Кинокўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Дам олиш концерти.
21.45 «Энг жозибали, энг латофатли қиз». Бадиий фильм.
23.10 — 23.40 «Ҳафтанома».

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
9.00 «Омад» тақвими.
9.05 «Жозиба».
9.25 «Бир шингил ҳангома».
9.35 «Ишингиз бароридан келсин».
9.50 «Муҳаббатга ошно қалблар».
10.10 «Теле-ателье-шоу».
10.20 Видео янгиликлари.
10.45 Янгиликлар.
10.50 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.35 «Кинонигоҳ».
13.15 — 13.35 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

* * *

17.00 «Совга».
17.30 «4/8». Мусиқий кўрсатув.
17.50 Жаҳон географияси.
18.45 Эълонлар.
18.50 Видео — «О».
20.30 Эълонлар.
20.35 «Курьер».
20.55 «... яна об-ҳаво ҳақида».
21.05 «Постфактум».
21.15 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).
21.35 «Автоклуб».
21.50 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
22.05 «Панорама».
22.35 «Даракчи».
22.45 Эълонлар.
22.50 — 00.30 Видео—«О».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Мультфильм.
9.40 «Олтин атиргул» гори». Телевизион бадиий фильм. 8-серия.
10.30 «Коллекция».
10.50 «Менинг кўчам».
11.05 «Маски-шоу».
11.20 «Хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик».
12.20 «Кинематограф».
14.00 — 14.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).

* * *

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Ёшлик» оқшоми.
20.20 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.20 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
21.45 «Гўзаллик бунёдкорлари».
22.15 «Би-Би-Си» янгиликлари.
22.25 «Мусиқий саёҳат».
22.55 «Бу ажиб дунё».
23.15 — 23.25 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.20 Янгиликлар.
18.30 «Ҳунарли хор бўлмайди».
18.35 «Уолли қаерда?», «Чипманларнинг саргузаштлари». Мультфильмлар (АҚШ).
19.30 «Эй йўллар, фронт йўллари...»
19.40 «Бугун Россия».
20.20 Луи де Фюнес «Музлатилган» бадиий фильмида (Франция, 1969 й.).
22.00 — 22.50 «Якшанба». Ахборот-публицистик кўрсатуви.

КЎРГАЗМА, САВДО ЯРМАРКАСИ ВА ҒАРОЙИБ ТОМОШАЛАР

Модали ва чиройли маҳсулотлар нисбатан арзон нархларда

● Сиз Тикувчилик саноати Ассортимент ва Модалар республика марказидаги ярмаркамизда модали ва чиройли маҳсулотларни улгуржи ва чакана тарзда сотиб олишингиз мумкин.

● Баҳор-ёз мавсуми

газламалари, пойабзаллари, тикувчилик, трикотаж ва чарм-галантерея буюмлари сотилади.
Ярмаркада ''Ўзбекенгилсаноат'' уюшмасининг барча ҳиссадорлик жамиятлари ва корхоналари қатнашадилар.

Биз Сизларни 18 ва 19 март кунлари соат 10 дан кутамиз!

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Сапёрная кўчаси, 25.
''Россия'' меҳмонхонаси бекати. Телефонлар: 39-10-53, 39-13-49, 56-05-25.

CENTRAL ASIAN-AMERICAN ENTERPRISE FUND

Марказий Осиё - Америка тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фонди

150.000.000 АҚШ доллари

ФАҚАТ ЖИДДИЙ ИШБИЛАРМОНЛАР УЧУН

Фоннинг асосий мақсади-хусусий соҳанинг баривож компанияларини ёки хусусийлаштирилаётган корхоналарни ҳиссабай иштирок этиш ва молиявий таъминлаш йўли билан Марказий Осиёнинг бешта республикасига бозор иқтисоднётига ўтишда ёрдам беришдир.

- Ҳар қандай сармоя сарфлашлар лойиҳада маҳаллий молиявий иштирок этишни талаб этади.
- Инвестициянинг асосий қисми заём сармояси ва ҳиссабай иштирок этишнинг уйғунлашувига асосланади.
- Кредитлар Фонд учун мақбул бўлган молиявий таваккал нуқтаи назаридан берилади.

Таклифда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши лозим:

- лойиҳа баёни-беш бетгача ҳажмда;
- ташкил этилган вақти ва ҳиссабай иштирок таркиби;
- раҳбариятнинг малакаси ва иш тажрибаси ҳақидаги маълумотлар;
- маҳсулотлар ва мўлжалланаётган бозор баёни;
- асосий истеъмолчилар рўйхати ва сотиш усули;
- асосий хом ашё, таъминловчиларнинг манзиллари ҳам кўрсатилган рўйхатлари, операциялар ва молиявий тахминлар, шу жумладан ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмлари;
- фойда-харажатлар, 3-5 йиллик муддатга фойда ва инвестиция эҳтиёжлари, мавжуд шериклар улуши ва таклиф этилаётган молиявий тузилма ва ахборотлар.

Инвестиция лойиҳаларини Фоннинг исталган офисларидан бирига юбориш мумкин:

НЬЮ-ЙОРК: 595 MADISON AVENUE, New York, NY. 10022-1907
Тел. (212) 826 2100.
Факс (212) 371 2587.

АЛМАТИ: Қозоғистон Республикаси, Алмати, Сейфуллин кўчаси, 531- уй.
Тел. (3272) 63-70-86, 63-90-15.
Факс (3272) 69-45-89.

ТОШКЕНТ: Ўзбекистон Республикаси, 700066 Тошкент, Туроб Тўла кўчаси, 1-уй.
Тел. (3712) 44-20-86, 45-57-47, 45-57-51, 45-57-56, 45-62-48.
Факс (3712) 89-11-38.

БИШКЕК: Тел. (3312) 22-58-29.
Факс (3312) 62-01-24.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Узбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси Сиёсий ижроқўм аъзоси, Узбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими М. Расуловга укаси

Ҳикмат РАСУЛОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Академик О. С. Содиқов номидаги Биоорганик кимё институтининг маъмурияти ва жамоаси катта илмий ходим Омон Холбековга онаси

ХОЛБУВИ аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

«Узбексавдо» давлат уюшмаси Бошқаруви ва жамоаси собиқ савдо вазирининг ўринбосари

Тамара Базаровна ПЎЛАТОВАнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими - 33-76-04, 32-54-06.
Қабулхона -- 33-65-45, 32-55-15.

Реклама ва эълонлар бўлими тел: 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Жиззахда -- 3-31-86; Нукусда -- 7-58-83; Урганчда -- 6-51-35;
Бухорода -- 3-54-87; Навоийда -- 3-75-43; Самарқандда -- 35-22-90; Фарғонада -- 26-37-16;
Гулистонда -- 2-26-22; Наманганда --6-43-43; Тошкентда-- 32-26-70; Қаршида -- 3-25-79;
Қумқўрғонда -- 5-26-24.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади.
· Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 0098, 48544 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир А.МАННОПОВ , навбатчи Р. ШОДИЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21,00. Топширилди -- 20.45

1 2 3 4 5 6.